

SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ S/2 (3) - 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES



ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

№ S/2 (3)-2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

Специальный выпуск

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES
Special Issue

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Гайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарқанд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com
Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

| | |
|--|-------|
| Рахманова Мавлуда Эркин қизи СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССРГА ХАЛҚЛАРНИ МАЖБУРИЙ КЎЧИРИШ СИЁСАТИ ТАРИХШУНОСЛИГИ..... | 9-16 |
| Икромжонов Акмалжон Махмуджонович ФАХРУДДИН ЎЗЖАНДИЙ ЯШАГАН ДАВРДА МОВАРОУННАҲР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТ ВА ИЛМ ФАН РИВОЖИ..... | 17-25 |
| Холдоров Зоҳиджон Валижон ўғли ТУРКИСТОН ЛЕГИОНИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ТАРИХИДАН..... | 26-34 |
| Хамидова Дилфуза Улуғбек қизи НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС ИЖОДКОРЛАР НИГОҲИДА..... | 34-41 |
| Nag'ashboyev Qazbek Bozorboy uli SULTON RAHMONOV – SAYYORANING ENG KUCHLI ODAMI..... | 42-49 |
| Махмудов Махмуд Авазович ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ ШАРОИТИДА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ТАБАҚАЛАШУВИ..... | 50-58 |
| Mamatov Bektosh Tolibjon o'g'li YALANGTO'SH VANODIR VA ASHTARXONIY HUKMDORLAR..... | 59-66 |

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

| | |
|---|---------|
| Muminova Elnoraxon Abdukarimovna “YASHIL” IQTISODIYOTGA O'TISHNING HORIJY TAJRIBALARI..... | 66-75 |
| Файзуллоев Мирсаид Шухратович СОЛИҚ НАЗОРАТИ ТИЗИМИДА КАМЕРАЛ СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ..... | 76-85 |
| Кахарова Нилуфар Эркинжоновна ОКР МЕТОДОЛОГИЯСИ ХАҚИДА ТУШУНЧА, МАҚСАДИ, АФЗАЛЛИГИ, ЖАРАЁНДАН КУТИЛАДИГАН НАТИЖАЛАР..... | 86-91 |
| Насруллоев Ҳаётжон Хабибуллоевич СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИГА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ СОЛИҚ БАЗАСИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ..... | 92-99 |
| Rahmonov Mirvoxid Rajabovich HUDUDNING INVESTISION JOZIBADORLIGI OMILLARINI EKONOMETRIK MODELLASHTIRISH..... | 100-107 |
| Насруллоев Ҳикматулло Хабибуллоевич ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ УЧУН ЗАМОНАВИЙ РАҚАМЛИ ЕЧИМЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ..... | 108-115 |
| Тоштемиров Шохруҳ Тошпўлатович ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ КАПИТАЛ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВНИНГ АҲАМИЯТИ..... | 116-120 |

| | |
|--|---------|
| Насимов Равшанжон Азимович МАМЛАКАТИМИЗДА СОЛИҚ ЮКИНИНГ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ | 121-130 |
| Nabieva Nilufar Muratovna MARKETING AUDIT AND ITS IMPACT ON IMPROVING THE COMPETITIVENESS OF THE COMPANY..... | 131-139 |
| Отамуродов Нуриддин Нажмиддинович КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ COVID-19 ИНҚИРОЗ ДАВРИДА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СОЛИҚҚА ТОРТИШ МАСАЛАЛАРИ | 140-148 |
| Hoshimov Jahongir Ravshanbek o'g'li TO'G'RIDAN – TO'G'RI HORIJY INVESTITISYALARNI JALB QILISHDA MAMLAKAT XATARLARINI KAMAYTIRISH..... | 149-155 |
| Yusupov Farruxbek Farxodovich O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA SOLIQ MA'MURCHILIGIDA SOLIQ TO'LOVCHILARGA XIZMAT KO'RSATISHNI TAKOMILLASHTIRISH YO'LLARI..... | 156-162 |
| Kunduzova Kumrixon Ibragimovna KICHIK BIZNES KORXONALARIDA MOLIYAVIY REJALASHTIRISH VA BYUDJETLASHTIRISHNING XUSUSIYATLARI | 163-172 |
| Зиёдинова Нилуфар Зариф қизи ИНВЕСТИЦИОН ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИНГ ЎРНИ | 173-179 |
| Насимджанов Юнусжон Зоҳидович МАМЛАКАТИМИЗ ҲУДУДЛАРДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ЕР СОЛИҒИ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ | 180-187 |
| 09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ | |
| Ҳакимов Акмалжон Мирзағаниевич ЦИВИЛИЗАЦИЯ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ГНОСЕОЛОГИК МОҲИЯТИ | 188-192 |
| Холмирзаев Нодиржон Низомжонович УРБАНИЗАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ | 193-198 |
| Voboqulov Abror Abdug'ani o'g'li “OPEN ARTIFICIAL INTELLIGENCE GPT” TIL MODELINING FALSAFIY Tahlili | 199-204 |
| Ялгашев Бунёд Махмудович САМАРҚАНД ВОҲАСИ ЭТНИК ГУРУҲЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА УЛАРНИНГ ЯШАШ ТАРЗИ | 205-213 |
| Safarov Maqsudali ABU BAKR AR-ROZIYNING “TIBBI RUHONIY” (RUH TIBBIYOTI) ASARIDA G‘AZABNI VA INSONNING O‘Z KAMCHILLIKLARINI BARTARAF QILISH HAQIDA MULOHAZALAR | 214-219 |
| Сохибова Лола Жонибоевна ШАХС МАДАНИЙ САВИЯСИ – МАДАНИЙ РИВОЖЛАНГАНЛИК ИФОДАСИ | 220-224 |

Адашова Махсума Махмудбоевна
ИМОМ АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ ВА МОТУРИДИЙЛИК ТАЪЛИМОТИ – ДУНЁ
ОЛИМЛАРИ НИГОҲИДА.....225-231

Mukhammediyarova Akhmaral
PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF THE CONCEPT OF NOOSPHERIC DEVELOPMENT IN THE
ECOLOGICAL AND GLOBAL SECURITY SYSTEM.....232-239

10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Tilovov Ozod, Isoqulova Gulxon
FRAZEOLOGIK BIRLIKLARDA SONLARNING QO‘LLANILISHI VA ULARNING RAMZIY
MA‘NOLARI.....240-245

Surmilova Elena
GENDER STUDIES IN LINGUISTICS AND THEIR APPLICATION IN ENGLISH LANGUAGE
TEACHING246-252

Олимова Дилафрузхон Бахтиёржон қизи
ТИЛШУНОСЛИҚДА БАҲО КАТЕГОРИЯСИ ВА УНИНГ ЎРГАНИЛИШИ253-257

Djurayev Dilshod Mamadiyarovich, Radjabova Madinabonu Raimovna
XITOIY TILI GRAMMATIKASIDAGI “NATIJA TO‘LIQLOVCHISI (结果补语)”258-262

Azzamov Yusufjon Radjaboy o‘g‘li, Jo‘rayeva Xayriniso Shavkat qizi
EKOJURNALISTIKANING QO‘LLANILISH KATEGORIYALARI263-268

Fillipova Olga Igorevna
CONVERGENCE OF STYLISTIC DEVICES AS A CATEGORY OF REDUNDANCY.....269-278

Ismoilova Dilorom Rustamjon kizi
LEXICAL UNITS OF THE SEMANTIC FIELD “MURDER”279-285

12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

Ильясов Баходир Ильясович
ELEKTRON DAVLAT XIZMATLARINI KO‘RSATISHNING TASHKILY-HUQUQIY MEKANIZMI VA
UNING RIVOJLANISH YO‘LLARI286-293

Чориева Хуршидабону Хуррам қизи
ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ
ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ИШТИРОКИ294-299

Хаётов Анвар Хусанович
ХАЛҚАРО ОЛИМПИА ҚЎМИТАСИНИНГ МУХТОР МАҚОМИ ВА ТУРЛИ ҲУҚУҚ
СУБЪЕКТЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ300-307

13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

Журабекова Хабиба Мадаминовна
РЕЧЕВАЯ АКТИВНОСТЬ КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР КОММУНИКАТИВНОЙ
КОМПЕТЕНТНОСТИ308-315

| | |
|--|---------|
| Tursunova Aziza Xoshimovna WEB TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA BILIMNI NAZORAT QILUVCHI DIDAKTIK VOSITALAR YARATISH USULLARI | 316-321 |
| Oblanazarov Faxriddin Asadovich FUTBOLCHILARNI TAYYORLASHDA TA'LIM VA MASHG'ULOTNING ASOSIY QONUN- QOIDALARINI AMALGA OSHIRISH | 322-329 |
| Isroilova Dildora Muxtarovna, Solijonova Dildora Ulugbekovna IJTIMOIY-SIYOSIY MATNLAR TARJIMASINI O'QITISHDA LINGVOMADANIY OMILLARNING O'RNI | 330-335 |
| Satvoldiyev Faxriddin Akbarali o'g'li MAKTAB O'QUVCHILARI HUQUQIY TA'LIM – TARBIYASINI SHAKLLANTIRISH BORASIDA OLIB BORILGAN TAJRIBA SINOV ISHLARI NATIJALARINING PEDAGOGIK TAHLILI | 336-342 |
| Jurayev Bobomurod Tojiyevich SHARQDA PEDAGOGIK FAOLIYATNING MAYDONGA KELISHI VA RIVOJLANISHI | 343-350 |

10.00.00 – Филология фанлари

Олимова Дилафрузхон Бахтиёржон қизи
Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси
dilafruz5563793@gmail.com

ТИЛШУНОСЛИҚДА БАҲО КАТЕГОРИЯСИ ВА УНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Annotatsiya. Мақола тилшуносликда баҳо тушунчасининг лингвистик категория сифатида ифодалангани борасидаги назарий асослар, унинг моҳияти, лингвистик баҳони тадқиқ қилишда аксиологик қарашларнинг ўрни борасида маълумот берилган. Шунингдек, мақолада ўзбек тилида амалга оширилган тизимли тадқиқотлар, баҳолашдаги унсурлар ва унга таъсир этувчи лингвистик ва нолингвистик омиллар ўз ифодасини топган.

Kalit soʻzlar: баҳо, аксиология, баҳо объекти, баҳо субъекти, субъектив баҳо

Олимова Дилафрузхон Бахтиёржон қизи,
Преподаватель Национального
университета Узбекистана

КАТЕГОРИЯ ОЦЕНКИ В ЛИНГВИСТИКЕ И ЕЕ ИЗУЧЕНИЕ

Аннотация. В основу статьи положены теоретические основы понятия оценки как категории в лингвистике, ее сущность, роль аксиологических взглядов в изучении лингвистической оценки. В статье также рассматриваются систематические исследования на узбекском языке, элементы оценки и лингвистические и неллингвистические факторы, которые на это влияют.

Ключевые слова: ценность, аксиология, объект оценки, субъект оценки, субъективная оценка.

Olimova Dilafuzkhan Bakhtiyorjon kizi,
Teacher, National University of Uzbekistan

EVALUATION CATEGORY IN LINGUISTICS AND ITS STUDY

Annotation. The article is based on the theoretical framework for the concept of evaluation as a category in linguistics, its essence, the role of axiological views in the study of linguistic evaluation. The article also covers systematic studies in Uzbek, elements in evaluation and the linguistic and non-linguistic factors that influence it.

Keywords: value, axiology, evaluation object, evaluation subject, subjective evaluation.

DOI: <https://doi.org/10.47390/B1342V3SI2Y2023N33>

Кириш

Маълумки, тил ҳар бир миллатнинг кўзгуси, қадриятларини ифода этувчи восита ҳисобланиб, ундаги мунтазам ўзгаришлар тилшунослик фанида ҳам тизимли тадқиқотларни амалга оширишни тақозо этади. Бунда, албатта, тилшуносликни бошқа

фанлар билан ўзаро алоқадорликда тадқиқ этиш ўрганилаётган муаммоларга ечим топишда муҳим аҳамиятга егадир. Бугунги кунда чет тилларини самарали ўрганиш учун шу тилнинг фонетик, лексик ва грамматик хусусиятлари борасидаги билим ва кўникмаларга ега бўлиш билан бир қаторда, она тили билан чоғиштириб таҳлил қилиш, тилларнинг семантик-структур ва лингвокултурологик жиҳатларини мантиқ, аксиология, фалсафа каби фан тармоқлари билан боғлиқ ҳолда тадқиқ қилиш, айниқса, долзарбдир. Фанлараро боғлиқликни таъминлаш, албатта, инглиз ва ўзбек тилшунослигида барча лингвистик сатҳларда тизимли тадқиқотлар олиб боришга имкон беради. Тилшуносликдаги бундай ривожланиш, прагматик жиҳатдан тилни тадқиқ этиш, илмий адабиётларда “баҳо” тушунчасининг алоҳида категория сифатида ўрганилишига имкон яратди.

Назарий асослар

Баҳо тушунчаси дастлаб аксиологик жиҳатдан тадқиқ қилинган бўлиб, фалсафий категория сифатида ўрганиб келинган, яъни инсоннинг ҳақиқатга муносабати, унинг тушуниш қобилияти, дунёнинг қиймат тузилиши ва турли хил шакллардаги қадриятларни ўзида мужассам етган фаолиятни ўз ичига олган. Инсон доимо ўзини, жамиятни, ижтимоий, воқеликни баҳолайди, алоқа жараёнида вербал ва новербал воситалар билан ўз муносабатини билдиради, бу еса баҳо тушунчасининг тилшуносликнинг бир қисми сифатида ўрганишни тақозо этади. Лингвистик адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, баҳолаш ҳодисасини ва унинг тилда ифодаланиши қадриятлар тизими билан узвий боғлиқдир. Бу масала машҳур олимларнинг илмий адабиётларида тадқиқ этилган бўлиб, келтирилган таърифларида “баҳо” ва “қиймат” тушунчалари ўртасидаги диалектик боғлиқлик кўрсатилган. Қадриятлар ва тил ўртасидаги яқин муносабатлар ғоясини илгари сурган рус филологи Э.М.Волф маълум объект ва қиймат ўртасидаги муносабатларни рўёбга чиқариш усулини баҳо деб таърифлайди. Р.М.Якушина нуқтаи назаридан баҳо объектга маълум тил сўзлашувчиларнинг қиймат мезонларига мувофиқ равишда тан олинган муносабати сифатида тушунтиради. С. Ханстон ва Ж. Томпсон баҳо тушунчасини кенг маъноли деб ҳисоблаб, субъектнинг мавзуга муносабатини билдиради ва бу бевосита қадриятлар билан боғлиқ эканини таъкидлайди. Рус тилшуноси Ю. М. Малинович ўзининг “Иерархия ценностей внешнего мира и внутреннего мира человека” монографиясида “баҳо” ва “қиймат” тушунчалари ўртасидаги туб фарқни таъкидлар экан, одатда баҳо тарихий ва ижтимоий жиҳатдан ўзгарувчан ҳисобланади, қиймат доимий миқдор бўлиб қолишига алоҳида урғу беради. Яна бир рус олими В.А.Марянчик тилдаги баҳо ва қадриятлар ўртасидаги фарқга эътиборни қаратар экан, баҳо коммуникатив хусусиятга эга, қадрият негизда эса когнитив функциялар яъни билиш, билимларни шакллантириш, дунё ҳақидаги билимларни сақлаш ва диний эътиқодлар биринчи ўринга чиқади, деб ҳисоблайди. Э.Ф.Серебренникова “баҳолашнинг ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратмасдан бугунги кунда на ҳақиқат назарияси, на талқин назарияси ва амалиёти тақдим етилиши мумкин, чунки ҳар бир воқелик ҳақидаги ҳукм нафақат унинг қиймати ва таърифи ҳақидаги маълумотни, шунингдек, ушбу объектлар ҳақида субъектив фикрлар яъни баҳони ҳам ўз ичига олади” дея мулоҳаза юритади. [4; 200 б] Н.Ф.Алефиренко ўзининг “Лингвокультурология. Ченностно-смысловое пространство языка” деб номланган илмий адабиётида, тилда олам манзарасида акс

етувчи, маълум маданият вакиллари учун муҳим бўлмиш объектлар ифодаланади, дея қадрият ва баҳонинг тилдаги аҳамиятини тасвираб беради. [1; 125 б]

Юқорида кўрсатилган адабиётлар тахлилидан маълумки, баҳо бу мураккаб лингвистик ҳодиса бўлиб, субъектнинг борлиқ, шахсни ёки маълум воқеликка ўз дунёқараши, объектга бўлган ҳиссиёт ва позициясидан келиб чиқиб муносабат билдириши ҳисобланади. Объектга ижобий ёки салбий баҳо бериш баҳоланаётган воқеликнинг субъектга нисбатан қийматига ва лисоний воситаларни денотатив ёки коннотатив ифодалаш орқали тилда намоён бўлади.

Маълумки, баҳо категория сифатида прагматиканинг марказий тушунчаларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, у фалсафий-мантиқий категория саналиб, у назарий жиҳатдан формал аксиологияда асосланади. Баҳо тушунчаси тилнинг семантик аспекти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унда тил ёки нутқ бирликларининг маъно ва мазмун жиҳатига аҳамият берилади ва уни тадқиқ етишда фалсафий қарашлар ҳам инобатга олинади. Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, мазкур масала юзасидан чет ел ва рус тилшунослари томонидан кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилган бўлиб, В.Н.Телия, Э.М.Волф, В.И.Абаев, Н.Д.Арутюнова, В.А.Василенко, М.А.Лукиянова, Т.В. Маркелова, О.В. Сахарова, М. Якубович ва бошқалар томонидан тадқиқ етилган бўлиб, баҳо тушунчасининг категория сифатидаги долзарб фундаментал саволларига жавоб берувчи ишлар олиб борган. Рус тили доирасида баҳолаш тилини ўрганиш асосан луғат-семантика назарияси контекстида олиб борилади. Инглиз тили доирасида баҳолаш тилини ўрганиш асосан Мартиннинг тизимли функционал тилшунослик мактабининг баҳолаш назарияси доирасида амалга оширилган ва унинг тадқиқот базаси аниқ ёритиб берилган. Э.М.Волф баҳони функционал-семантик жиҳатдан тадқиқ қилган бўлса, Н.Д.Арутюновада еса масала логик-семантик йўналишда ўрганилган.

Бундан ташқари, С.С. Хидекел ва Г.Г. Кашел тадқиқотларида асосан умумистеъмолдаги баҳо ифодаловчи вербализаторларнинг семантик таснифига урғу берган.

Ўзбек тилида лингвистик категория сифатида баҳолашга тизимли тадқиқотлар ва назарий эътибор хорижий давлатларга қараганда бир оз кечроқ бошланган. Ўзбек тилшунослигида А.Ғуломов, А.Ҳожиёв, Р.Қўнғуров, Р.Расулов кабилар тилнинг турли сатҳларида баҳо ифодаловчи воситаларни тадқиқ қилганлар, лекин баҳо яхлит категория сифатида тўлиқ тадқиқ этилмаган. Таъкидлаш жоизки, ушбу муаммо юзасидан Ғ.Қамбаров ўзининг “Баҳо муносабати ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши” номли илмий ишида аксиологик баҳони умумий тадқиқ қилган ва унинг тил сатҳларида ифодаланишини қисқача баён қилган.

Муҳокама ва натижалар

Юқорида таъкидланганидек, баҳо муносабати сўзловчининг муайян нарса-буюм, воқелик ва шахсга бўлган субъектив муносабати, баҳоси сифатида англашилади. Сўзловчи муайян шахс ёки воқеликка тавсиф берар экан, бунда ўз субъектив муносабатини ифодалашга ҳаракат қилади. Нутқимизда шу баҳоланаётган объектга хос бўлган белги хусусиятни ифодаловчи вербал ва новербал воситалар мавжуд, буни сўзловчи ўз дунёқараши ва англаш доирасига асосланиб ифодалайди, яъни баҳолаш жараёни субъект, объект, хусусият ва асос унсурлари асосида ифодаланади.

Баҳо субъекти борлиқдаги воқеликка ўз муносабатини ифодалаётган шахс яъни баҳоловчи назарда тутилади. Шахс баҳоси индивидуал характерга ега бўлиб, ҳар ким борлиқни ўзига хос идрок ва талқин қилади. Масалан, чиройли қиз бирикмасида чиройли сифати шу қизга хос хусусият, бироқ сўзловчи бу қизга ўз баҳосини бошқачароқ, яъни ўзининг нутқида хос тарзда бериши ҳам кузатилади. Масалан: сулув қиз, даҳшат қиз каби. Шунга кўра баҳо муносабати салбий, ижобий ва нейтрал баҳо муносабати каби маъновий турларга бўлинади.

Баҳолаш учун асос бўлган нарса ёки воқелик бу баҳолаш объекти ҳисобланиб, объект баҳоси унинг қиймати билан таърифланади. Масалан, “Йўлчибой барвастилигига қарамасдан абжиргина йигит” (Ойбек, Танланган асарлар) гапида Йўлчибой баҳо объекти бўлиб, абжиргина сўзи ижобий баҳони ифодаловчи хусусиятидир. Айнан хусусият объектнинг баҳосини аниқлаб беради.

Баҳолашнинг яна бир унсурларидан бири бу асос яъни еталондир. Тилшунос Ғ.Қамбаров таъкидлаганидек, ҳар қандай предмет баҳоланганда, у мавжуд асосга яъни еталонга нисбатан олинади. Баҳо қиёслашдан ажралмасдир. Умуман олганда, субъект объектни бир ёки бир нечта хусусиятларини инобатга олган ҳолда умумий маъённи асос сифатида олади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, баҳолаш мутлақ ва қиёсий жиҳатдан характерланади. Мутлақ баҳо дейилганда умуминсоний ва миллий жиҳатдан барча учун асос бўладиган хусусиятлар назарда тутилади ва ижтимоий характерга эга бўлади. Миллий удумларимизга кўра чопон кийиш йигит кишининг ўзлиги ва шаънини билдириб турувчи белги ҳисобланган. Хамзанинг “Бой ила хизматчи” асаридан олинган парчага диққат қилинса, унда умуммиллий сўзлар орқали ижобий ёки салбий баҳони ифодалаш мумкинлигини кўриш мумкин:

Гофир: Елликбоши, паранжингиз муборак!

Ҳасан: Паранжи емас, чопон бу, жинни бўлганми?

Гофир: Ахир даллол деганда паранжи бўладида, чопонни йигит киши кияди! (Хамза)

Юқоридаги мисолда “паранжи муборак” бирикмаси нутқдан ажратилган ҳолда ҳеч қандай салбий маъно касб етмайди, лекин елликбошининг қилган ишлари йигит қиладиган иш емаслигини ифодалаш учун аёллар киядиган кийим орқали унга салбий баҳо ифодаланмоқда.

Субъектив баҳо еса сўзловчининг баҳоланаётган объектга шахсий муносабати асосида юзага келади. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида Отабекга онаси Ўзбек ойим томонидан айтилган қуйидаги жумлага диққат қилайлик:

Биз сани марғилон андисига бунчалик муккадан кетишингни ўйламаган эдик, адабсиз. Ўзинга қолса шу марғилонлиқни хотинга ҳисоблаб, кетабер экансанда, уятсиз!...

Ушбу мисолда Кумушга нисбатан кўпчилик томонидан берилган ижобий баҳоларни инкор етган ҳолда, ўз муносабатига асосланган ҳолда анди яъни келгинди, зоти паст сифатида баҳоланмоқда [2; 145 б]. Кўриниб турганидек, бунда субъектив баҳо индивидуал характерга ега ҳисобланади.

Шунингдек, баҳо ифодаланишида маълум воқелик аслига зид бирликлар орқали ифодаланиши мумкин. Яъни баҳо берувчи бирлик коннотатив маънода қўлланилиб, контекст орқали қарама-қарши маънони билдириши мумкин.

Ўзвчи дилни дилга пайвандлаган лаҳза тасвирида сўзга хасислик қиларди.
(Д.Қуроноов)

Ўзбек тилининг изоҳли луғатига кўра, хасис – бирор нарса бермасликка, сарфламасликка интиадиган киши яъни қизғанчиқ. (ЎТИЛ. ИИ том, б-318). Лекин юқоридаги гапда хасис сўзи ёзувчининг сўз қўллашдаги маҳорати ва тежамкорлигини ифодаловчи ижобий характерни ифодаламоқда. Бу баҳо прагматик нуқтаи назардан юзага чиқмоқда.

Хулоса

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, баҳо лингвистик категория сифатида ўрганилиши учун асослар мавжуд ва баҳо муносабатининг тилнинг турли сатҳларида алоҳида турли тизимли тилларда чоғиштирилган ҳолда тадқиқ этилиши ва таҳлил қилиниши тилшуносликда амалга оширилиши керак бўлган масалалардандир.

Adabiyotlar / Literatura / References:

1. Қамбаров Ф. С. Баҳо муносабати ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши (шахслараро муносабат асосида): Дис...филология фан. номзоди: 10.02.02 / Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. - Тошкент, 2008. - 125 б.
2. Олимова Д.Б. Actual Problems of Literary Translation: Study of Translation Issues from Uzbek into English , Eurasian Scientific Herald (ESH) – Белгия – 2022. – 145 б
3. Олимова Д.Б. Translation procedures describing personalities used in the English version of “O‘tkan kunlar” (“Days gone by”) by A.Kodiri, International Scientific Journal Theoretical & Applied Science p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) – 2020.- 776 б
4. Телегина, В.А. Средства выражения оценки в характеристике политической элиты (на материале современной французской прессы) диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. - Белгород – 2021. – 200 б
5. Арутюнова, Н. Д. Типы языковых значений: оценка, событие, факт / Н. Д. Арутюнова ; отв. ред. Г. В. Степанов ; АН СССР, Ин-т языкознания. – Москва : Наука, 1988.. – 58-59 бб
6. Арутюнова, Н. Д. Об объекте общей оценки / Н. Д. Арутюнова //
7. Вопросы языкознания. – 1985. – № 3. – С. 13-24. – ISSN 0373-658X.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

№ S/2 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

Специальный выпуск

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES Special Issue

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари** электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамият

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).